

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

ТЕХНОГЕН САНЪАТИ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА) ЙЎНАЛИШИ

**“ОВОЗ РЕЖИССЁРЛИГИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

И.Мелиқўзиев - Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати”
кафедраси в.б.профессори

К.Хидирова - Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати
кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Жанубий Корея Республикаси Конгук университети
профессори, PhD Kim In Og

ЎзДСМИ “Овоз режиссёрлиги ва операторлик
маҳорати” кафедраси профессори Исмоилов
Абдурахим Исроилович

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Кенгашининг 20_____ йил _____даги ____-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	Ошибка! Закладка не определена.
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	Ошибка! Закладка не определена.
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	58
V. ТЕСТЛАР.....	70
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	95
VII. ГЛОССАРИЙ.....	97
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	111

КИРИШ

Ушбу услубий мажмуа ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Техноген санъат (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз янгилаш ҳамда ривожлантириш механизмларини яратиш;

- олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган замонавий талабларга мос ҳолда педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасида ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Техноген санъат (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

• овоз режиссёрлиги соҳасидаги янги илмий натижалар, илмий адабиётларни;

• техноген санъат фанларида рўй бераётган инновацияларни;

• замонавий кино ва телевидение операторлиги услуб ва услубиётларини;

• замонавий талабдаги машғулотларни яратиш ва олиб бориш мезонларини;

• техноген санъати соҳасидаги фанларни ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;

• техноген санъати соҳасидаги фанларни ўқитишда инновацион технологияларни;

- уч ўлчамли кино ва телекамераларни;
- техноген санъатининг ривожланиш тенденцияларини;
- замонавий овоз режиссёрлиги маҳорати ижодий мактабларини;
- овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологияларини;
- аудиотека ва уни шакллантириш услубиётини;
- овоз режиссёрлиги соҳасидаги замонавий техник воситаларни;
- замонавий арт маркетинг эволюцияси ва асосий тамойилларини **билиши**

керак;

Тингловчи:

- овоз режиссёрлиги соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
- сўнгги йилларда овоз режиссёрлигида эришилган ютуқлардан амалиётда фойдаланиш;
- овоз режиссёрлиги соҳаси бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- овоз режиссёрлиги соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни эгаллаб олиш ҳамда мазмун моҳиятини етказиш;
- овоз режиссёрлиги соҳаси фанларини ўқитиш методикаси инновацияларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларини ўқитишни инновацион технологиялар билан бойитиш;
- санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш;
- санъат ва маданият соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- замонавий инновацион мусиқий аудиодастурлардан фойдаланиш ва уларни овоз ёзувида қўллаш;
- техноген санъати соҳаси фанларини ўқитишда илғор инновацияларни қўллаш;
- мусиқий овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар ўқув тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- овоз режиссёрлиги соҳасида илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш;
- овоз режиссёрлиги соҳаси фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш;
- овоз режиссёрлиги соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан
боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Овоз режиссерлиги фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Рақамли кино-видео аппаратларнинг инновацион имкониятлари”, “Арт маркетинг”, “Мутахассислик фанларини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

• Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар техноген санъати, замонавий инновацион овоз ёзиш технологиясидан фойдаланиш, овоз режиссерлиги соҳаси фанларини ўқитишда илғор инновацияларни қўллаш, техноген санъат фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар ўқув тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда кино-телеоператорлик соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш компетенцияларига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Техноген санъатида замонавий инновацион овоз ёзиш технологиясидан фойдаланиш. Замонавий техник таъминот.	2	2	2	-	-	
2.	Таълим жараёнига киритилган машқларда янгиликлар ва уларнинг композицияси. Овоз режиссерлиги мактабида рўй бераётган инновациялар.	4	2	-	2	-	
3.	Мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Овоз режиссерлиги маҳорати фанларини ўқитишда компьютер технологияларининг аҳамияти	2	2	-	2	2	
4.	Овоз ёзиш ва узатиш мосламаларининг замонавийлашуви. Овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологиялари.	2	2	-	2	2	

5.	Муסיкий фонограмма ва таъсирчан воситаларнинг уйғунлиги. Фонограмма таҳлили ва партитура ўқишдаги янги ютуқлар. Овоз ёзиб олишда профессионал микрофонлар, пултлар, овоз тозалаш ва монтаж қилувчи программаларда ишлай олиш.	2	2	-	2	2	
Жами:		16	16	2	8	6	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Техноген санъатида замонавий инновацион овоз ёзиш технологиясидан фойдаланиш. Замонавий техник таъминот.

Республика ва жаҳон овоз режиссёрлиги мактабида рўй бераётган инновациялар. Замонавий техник таъминот.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузавий машғулотлардан сўнг режалаштирилган амалий машғулотлар маъруза машғулотларининг асосий мавзусига биноан ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб, амалий ижро тарзида ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек актёрлар билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг ишлаш методикасини янгилаш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Таълим жараёнига киритилган машқларда янгиликлар ва уларнинг композицияси. Овоз режиссёрлиги мактабида рўй бераётган инновациялар.

Таълим жараёнига киритилган машқларда янгиликлар ва уларнинг композицияси. Замонавий овоз режиссёрлиги маҳорати ижодий мактаблари.

2-амалий машғулот: Мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Овоз режиссёрлиги маҳорати фанларини ўқитишда компьютер технологияларининг аҳамияти

Мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Овоз режиссёрлиги махорати фанларини ўқитишда компьютер технологияларининг аҳамияти

3-амалий машғулот: Овоз ёзиш ва узатиш мосламаларининг замонавийлашуви. Овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологиялари.

Овоз ёзиш ва узатиш мосламаларининг замонавийлашуви. Овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологиялари.

4-амалий машғулот: Мусиқий фонограмма ва таъсирчан воситаларнинг уйғунлиги. Фонограмма таҳлили ва партитура ўқишдаги янги ютуқлар.

Тингловчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш. Мустақил таълим мавзуларини ишлаб чиқишда тасдиқланган ўқув дастурга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда талабаларга танлаш имкониятини яратиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

1- кўчма машғулот. Мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Овоз режиссёрлиги махорати фанларини ўқитишда компьютер технологияларининг аҳамияти

Мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Овоз режиссёрлиги махорати фанларини ўқитишда компьютер технологияларининг аҳамияти

2-кўчма машғулот. Овоз ёзиш ва узатиш мосламаларининг замонавийлашуви. Овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологиялари.

Овоз ёзиш ва узатиш мосламаларининг замонавийлашуви. Овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологиялари.

3-кўчма машғулот. Овоз режиссёрлиги мактабида рўй бераётган инновациялар. Мусиқий фонограмма ва таъсирчан воситаларнинг уйғунлиги. Фонограмма таҳлили ва партитура ўқишдаги янги ютуқлар.

Овоз режиссёрлиги мактабида рўй бераётган инновациялар. Мусиқий фонограмма ва таъсирчан воситаларнинг уйғунлиги. Фонограмма таҳлили ва партитура ўқишдаги янги ютуқлар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича куйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар тахлили презентацияси	2.5	1
2.	Мустақил иш (Кейсни ечиш)		1.5

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ассесмент”

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби: “Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

Тест

Фотографияни биринчи бўлиб ким ихтиро қилган?

- А. ВеригеДоровский
- В. Шостакович
- С. Жосеф Ньепс
- D. Дагер

Тушунча таҳлили

- “тасвирий ечим” сўзини изоҳланг.

Қиёсий таҳлил

- Кино санъати ва кинематография санъатининг фарқлари?

Амалий кўникма

- Кино санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий кинооператорларнинг ижоди билан танишиш, услубларини таҳлил эта олиш

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Кинотелеоператорлик санъатида “Чуқурлик (глубина)” ва унинг замонавий кинога таъсири”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёйиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодаляйдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Техноген санъатида замонавий инновацион овоз ёзиш технологиясидан фойдаланиш. Замонавий техник таъминот.

Режа:

1. Республика ва жаҳон овоз режиссёрлиги мактабида рўй бераётган инновациялар
2. Замонавий техник таъминот .

1. Техноген санъатида замонавий инновацион овоз ёзиш технологиясидан фойдаланиш.

Барча санъат соҳалари каби овоз режиссёрлигида ҳам ўзига хос талаб ва вазифалар мавжуд. Бу вазифаларни тоғри хал қилиш асарнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда катта рўл ўйнайди. Овоз режиссёри бирор бир асарни овоз ечимини хал қилишдан олдин шу асарнинг қайси жанрга тегишли эканлигини билиб, шу жанрнинг талаб ва эҳтиёжларининг ҳисобга олган ҳолда овоз ечимини хал этиши лозим. Шундай экан овоз режиссёрига талукли бўлган. Айрим соҳаларнинг алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз:

Кино тарихи - Кинони эслатувчи ҳаракатдаги тасвирни илк бора Платон ўзининг “Давлатлар” асаридан жой олган қояларда акс этиб турувчи соя, шарпалар ҳақидаги ҳикоясида тасвирлаган. Кинони эслатувчи тасвирларни яна Герон Александрийский ва Клавдий Пталомей асарларида ҳам кўриш мумкин.

Лекин турли метафораларни ўхшашлиги эмас, балки аниқ фактлар - турли ясси ҳаракатдаги тасвирларни ҳам ёзиб, ҳам қайта кўрсатиш имконини берадиган реал системалар ҳақида сўз борадиган бўлса, кинематографни аждодлари деб бир қанча серия суъратли ўйинчоқларни айтиш мумкин. Суъратларни ўрнини тез ўзгартирганда улар ягона бир ҳаракатдаги тасвир сифатида қабул қилинган. Бундай ўйинчоқлардан “зоотроп”, “мўъжизавий блокнот”, “фенокистоскоп” номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу системаларнинг барини кўрилиши бир неча секунддан ошмаган.

Кинематографни етарли хронометражда харакатдаги тасвирларни, бунинг устига ихтиёрий, эркин харакатли тасвирларни кўрсата оладиган система сифатида фақат фотография пайдо бўлиб, фотоматериалларнинг сезгирлиги қисқа видержада ҳам суъратга олиш даражасига етгандан сўнг ривожланди. 1870 йилларнинг охирларида hozirgi кунда ҳам фото ва кинопроцессорларнинг асоси бўлган бром кумуш желатинли эмульсия кашф қилингандан сўнг, тасвирни ёзиб оладиган турли системалар ихтиро қилина бошланди.

Тарихда бундай ихтирочиларнинг исмларини ўнлаб учратиш мумкин. Улар дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юргизишган (булар ичида машхур бўлганлардан англиялик Эдвард Майбридж ва француз Этен Жюл Марей номларини алоҳида айтса бўлади), лекин бу ихтиролар кўп холларда молиявий ёки техник муаммолар сабабли якунига еттирилмаган. Якунига еттирилганлари ҳам ё Марей ва Майбридж системалари каби етказиб берилиш қулайлиги қониқарли бўлмаган, ёки имкониятлари кескин чегараланган бўлган, масалан француз Эмил Рено системасида фотография ишлатилинмаган.

Муваффақият қозонган илк кинематографик системалардан Томас Эдисон ва унинг инженери Уильям Диксон томонларидан яратилган иккита қурилма - “кинетограф” (“харакатларни ёзиб олувчи” тасвирга олувчи қурилма), иккинчиси “кинетоскоп” (“харакатларни кўрсатувчи” қайта кўрсатиш қурилмаси) эди. Бу система 1880 йилларнинг охири 1890 йилларнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, ихтиро учун патентга талабнома 1891 йилда берилган, патент 1893 йилнинг 14 мартда олинган. Илк пулли сеанс 1894 йилнинг 14 апрелда бўлиб ўтган. Лекин кинетоскоп индивидуал кўриш учун мўлжаллангани сабабли шунчаки атракцион сифатида қабул қилинган ва бир неча йилдан сўнг истеъмолдан чиқарилган. Шу сабабли кинематограф ихтирочилари сифатида ака - ука Луи ва Огюст Люмерлар саналади. Улар Эдисон техникаси конструкцияларидан хабардор бўлиб, Эдисон ихтиросини Европада патентлаштирмагани сабабли унинг баъзи ғояларидан фойдаланишган. Уларнинг айнан “синематограф” номли аппаратлари кинематографга ном

берган. Люмерлар патентга талабномани 1895 йилнинг 13 февралда беришган, илк оммавий тақдимот Парижда 1895 йил 22 март куни бўлиб ўтган. Бу саналарнинг барини кинематограф яратилиши куни деса бўлади, лекин расмий равишда кинематограф туғилган куни деб 1895 йилнинг 28 декабрь санаси айтилади, шу куни Капутсино бульварига “Гран кафе” да синематографнинг илк тижорат сеанси бўлган.

Кинога овозни кириб келиши – Овоз ёзуви кинематографдан олдин пайдо бўлиб, тасвир ва овозни синхронлашга ҳаракат кино яратилиши билан бир вақтда пайдо бўлган. Томас Эдисоннинг ҳаммуаллифи Уильям Диксоннинг айтишича, у 1889 йилдаёқ овоз ва тасвирни биргаликда кўрсатадиган қурилма – “кинетофонограф”ни ихтиро қилган экан. Лекин унинг гапларини исботловчи ҳеч қандай далиллар ёқ. Бунинг устига XX асрнинг бошларига қадар фонографни энг муҳим ихтироси деб ҳисоблаб юрган Эдисон кинетоскопни фонограф билан синхронлаш ҳаракатларини давом эттирган, амма қўлидан келмаганч, бу ишга қизиқиши қолмаган.

Кинематограф ривожланишининг илк даврларида овозли кино ҳосил қилишга кўп мамлакатларда ўринишлар бўлди. Бунга иккита асосий муаммолар ҳалақт берарди: биринчиси тасвир ва товушни синхронлаш бўлса, иккинчиси товушни етарли даражада баланд чиқмаслиги эди. Биринчи муаммо товуш ва тасвирни битта ускунага ёзиш билан ечилган бўлса, иккинчисини ечиш осон кечмади. Чунки товуш диапазонини электр тебранишларини кучайтириб берувчи қурилма хали кашф қилинмаганди. Бу ходиса 1910 йилнинг ярмида рўй берди. Лекин бу даврга келиб кино тили етарли даражада равақ топиб бўлган, товуш ёқлиги камчилик ҳисобланмай, унга бўлган қизиқиш сусайган эди.

Кинематограф тарихида инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлган товушли кино системасига патент 1919 йилда олинган бўлса ҳам, 1920 йилнинг ўрталаригача ишлаб чиқаришни, прокатни қимматлашиб кетишидан кўрққан кинокомпаниялар кинони “гапиртириб юборишга” жазм этишмаган. Инқирозга учраётган “Warner бротхерс” компанияси 1928 йили ишларини ўнглаш мақсасида таваккал лойиҳага қўл урди. Инсонлар кино овозлашганини

олқишлар билан қарши олишди. Лойиха муваффақият қозонгандан кейин “Warner бротхерс” компанияси кетидан бошқа компаниялар ҳам кинони овозлаштира бошладилар.

1926 йили “Warner бротхерс” компанияси асосан мусиқий номерлардан иборат бўлган бир неча фильмлар яратди. Аммо улар кўтилган даражада машҳур бўла олмади, машҳурлик 1927 йили “Жаз хонандаси” фильми билан келди. Унда таниқли мусиқачи Эл Джолсон номерларидан ташқари қисқа репликалар ҳам бор эди. Овозли кино экрандаги персонажнинг жонли нутқи билан пайдо бўлди. Унинг туғилган куни деб 1927 йил 6 октябрь, “Жаз хонандаси” фильми экран юзини кўрган сана ҳисобланади.

Ўзбекистон кино тарихида биринчи овозли фильм 1937 йили тасвирга олинган «Қасам» фильмидир (режиссёр Усолсев). Мазкур фильм, шунингдек, «Азамат», «Асал» фильмларидаги овоз ечими масалаларини К. Масалский ва ёш истеъдодли Каримжон Бўрибаев овоз оператори сифатида ҳал қилишган. Умуман ўзбек овозли кинематографиясини ўз дастхатига эга бўлган, асосан «Ўзбекфильм» да фаолият олиб борган тажрибали овоз операторлари - Г. Сенчило, А. Кудряшов, Е. Шатский, Н. Шодиев ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайдди. Уларнинг ижодий изланишлари ва ютуқлари мазкур санъат ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Кино овоз режиссёри - бу ёъналишда овоз режиссёри тенори автори ва фильм режиссёри билан чуқур ҳамкорликда иш олиб бориши талаб этилади. Кино фильмнинг суратга олиш жараёнларида актив иштирок этиб у ерда бўлаётган овоз ёки ёзиб олиши шарт. Бунинг учун алоҳида улкан махсус мосламалар шарт бўлмайдди, одий портатив овоз ёзиш мосламалари диктофонлар бу мосламалар ўрнида бемалол хизмат қила олади. Табиийки *Бу нима учун керак деган савол тугулади?* Кино овоз режиссёри ёзиб олган материалларни қайта эшитиб чиқиб актерлар овозларининг бир бирига мослигини уларнинг характерларини ҳисобга олган ҳолда асар сценарийдан келиб чиқиб фильм режиссёрига қайси жойда қандай шовқинлар у ёки бу образни очиб бериш учун қандай мусиқа мос келишини хал этади ва ўз

таклифларини керак бўлса асар бастакорига тушунтиради. Бу орқали фильмнинг овоз ечимини ижобий ҳал этади.

Кино фильмлар ўз хусусиятларига кўра динамик диапазонини жуда катта бўлган хусусиятга эга. Овоз режиссёри бу динамик диапазонни назорат қилиш учун ўзида мавжуд бўлган техник анжомларни тушунган ҳолда билиб ишлатиши зарур бўлади. Албатта бунинг учун овоз режиссёри аввало овоз партитурасини тузиб олиши шарт. Овоз партитурасининг ҳам фильм режиссёри билан маслаҳатлашган ҳолда ҳаётга тадбиқ этади. Кино билан телевидение фарқи кинода овозни ёзиб олиб кейин студияда ўзгартирилса бўлади. Телевидение ёки театр залларида овоз режиссёри хатоликка ёл қўймаслиги керак.

Театр овоз режиссёри – Кино овоз режиссёри каби ўз ишини асар пастановчани режиссёри билан чуқур ҳамкорликда олиб боришни талаб қилинади: *Кино овоз режиссёридан фарқи* театрда барча асарлар жонли ижро этилади шунинг учун овоз режиссёри техник анжомландан оқилона ва билиб фойдаланиши талаб қилинади. Агар кинода қўйилган хатони қайта ёзиш имкони бўлса театрда бунинг иложиси ёқ. Шунинг учун овоз режиссёри бадиий жиҳатига этибор бериб ўз ишини олдиндан пухта тайёрлаб бажариш шарт. Театр асарининг динамик диапазонни ҳам жуда кенг бўлгани учун ҳам театр биносининг акустик жиҳатларини чуқур ўрганиб чиқиб у ердаги мосламалардан максимал даражада унумли фойдаланиши талаб қилинади.

Замонавий технологияларнинг ривожланиб бориши натижасида яратилаётган турли туман техникаларнинг ёрдамида ёзиб олинган овоз, муסיқий асарларни юқори сифатли қилиб кенг оммага этказиш вазифаси овоз режиссёларининг олдида турган долзарб масаладир. Бунинг учун овоз режиссёслиги мутахассислари замонавий технологиялар ҳақидаги билимларни эгаллаган бўлишлари керак.

Овоз режиссёри – бу ижодкор, сайқал берувчи, у овоз ёзиб олувчи ускуналар ва ўзининг ижодий ёндашуви билан олинган билим ва кўникмалари

асосида амалий ишларга таяниб ноёб мусиқий асарлар, фильмларга мусиқий шовқинлар яратиши мумкин.

2. Замоनावий техник таъминот

Бугунги кунда замоनावий технологияларнинг ривожланиб бориши натижасида яратилаётган турли туман техникаларнинг ёрдамида ёзиб олинган овоз, мусиқий асарларни юқори сифатли қилиб кенг оммага этказиш вазифаси овоз режиссёларининг олдида турган долзарб масаладир. Бунинг учун овоз режиссёслиги мутахассислари замоनावий технологиялар ҳақидаги билимларни эгаллаган бўлишлари керак.

Қоидага биноан, микрофон йўналишда, диафрагманинг перпендикуляр текислигида, яъни ўқ йўналишда максимал сезувчанликка эга бўлади. Сезган бўлсангиз телерепортёрлар ўз микрофонларини суҳбатдошлари томонга қаратиб турадилар – улар бу хусусият ҳақида биладилар ва ундан фойдаланадилар. Микрофонлар бурчак остидан микрофон ўқиға ўтувчи товушга нисбатан сезувчанлигининг ўзгаришига қараб ўзаро фарқланадилар. Микрофонларнинг бурчакдан товуш чиқадиган йўналиш ва ўқ йўналиш ўртасидаги нисбий сезувчанлигига боғлиқликни кутб тавсифи ёки бирмунча умумий атама – микрофоннинг йўналувчанлик диаграммаси билан таърифлайдилар¹.

Динамикли микрофоннинг тузилиши динамикли товуш кучайтиргич билан бир ҳилда. Шунинг учун товуш кучайтиргич рацияларда, алоқа воситаларида микрофон ўрнида ишлатилади (чунки кам жойни эгаллагани сифатга қараганда керак бўлгани учун). Динамикли микрофоннинг диафрагмаси магнит атрофида жойлашган катушка билан боғлиқ. Келаётган ҳавонинг бойлама тебранишлари диафрагмани катушка тамон ҳаракатлантиради. Бу эса катушканинг охирида ўзгарувчан кучланиш ҳосил қилади. Механо-акустик усули нуктаи-назаридан микрофон приемники босими ва приемники градиента давленияларга бўлинади. Приемник босимли

¹ Peter Kirn.Real World Digital Audio. Peachpit Press.2005 (218-bet)

микрофонларда товуш тўлқинлари, битта диафрагманинг олд (фронтал) томонига таъсир ўтказди. Приемники градиента босими микрофонлардаларда икки томонга таъсир ўтказди. Булар ўртасидаги фарқ уларнинг ёъналтирилишларидадир.

Ёъналтириш тавсифиси нуқтаи-назаридан эса, микрофонлар ёъналтирилган ва ёъналтирилмаганларга бўлинади. Ёъналтирилиши микрофон товуш манбаидан узоқлашган сари микрофон сезишининг ўзгариши билан асосланади. Лекин микрофоннинг товуш манбаидан узоқлашганда сезилиши ўзгариши ҳар хил бўлади. Агар микрофон сезиши билинар-билинемас ўзгарса, у ёъналтирилмаган микрофон ҳисобланади ва унинг ёъналтирилиш тавсифиси график жихатдан думалоқ шаклда тасвирланади. Бу ёъналтирилиш «айлана бойлаб» (круговой) дейилади.

Агар сезиши микрофоннинг олд (фронтальный) томонидан кам ўзгариб, орқа тарафидан овоз кескин камайса, у бир томонга ёъналтирилган микрофон ҳисобланади. Бу ёъналтирилиши график жихатдан тасвирланганда юрак (крендел) шаклини эслатгани учун, микрофон ёъналиши кардеоидли ҳисобланади.

Агар кардеоидали ёъналишга эга микрофоннинг объектдан узоқлашганда сезиши камайган пайтда, унинг графикдаги шакли чўзилган кардеоидани (нокни) эслатса, у холда бу ёъналтирилиш суперкардеоида дейилади. Агар юқоридаги холатда суперкардеоидали микрофоннинг товуш сезиши камайса, гиперкардеоидали ёки ўткир ёъналтирилган (остронаправленный) микрофон дейилади.

Булардан ташқари яна икки тамонлама ёъналтирилган микрофонлар ҳам бор. Улар график жихатдан саккиз сонини эслатгани учун, микрофоннинг бу ёъналтирилганини «восмерка» дейилади.

Булар билан бир қаторда яна бир нарсани ёдда тутиш лозим: микрофоннинг ёъналтирилиши тўлқин узунлиги ва микрофоннинг ўлчами (ҳажми) мутаносиблигига ҳам боғлиқ. Пастки частоталарда, юқори частоталарга

нисбатан ёъналиш кам ўзгаради. Умуман олганда «энг мухим микрофон» – инсон кулоғидир.

Коммутация қилиш принципи бўйича микрофонлар анъанавий кабелли ва радиомикрофонларга ажратилади.

Микрофонларда акустик тафовутлардан – частотавий диапазонни бир меъёردа қабул қилиши, сезиш (тавсифиси, ёъналтирилганлиги кардиоида, восмерка) – ташқари психоакустик фарқланиш ҳам бўлади. Бу инглизлардан “Сосктаил партй эффест” деб ном олган. Хаммамиз ҳам биламизки, инсонлар кўп бўлган жойда кимдир билан суҳбатлашсак, атрофдаги бошқа инсонларнинг гаплари бизга шовқин бўлиб эшитилади. Хамма эътиборимиз биз суҳбатлашаётган шахснинг сўзларида бўлади. Миямиз шовқинларни автоматик равишда четга суриб, фақатгина эътиборимиз қаратган сўзнигина қабул қилади.

Лекин микрофонда бундай эмас, у атрофдаги барча шовқин ва гапларни қабул қилади. Бу психоакустик феномендан микрофон билан ишлашда биринчи қоида келиб чиқади: микрофонга фақат керакли товуш тушиши керак. Шовқинларни турли воситалар билан бартараф қилиш керак

Микрофонларнинг асосий техник тавсифиси:

- Номинал частотавий спектри.
- Частотавий тавсифининг нотекислиги.
- Микрофоннинг сезгирлиги.
- Чиқишдаги қаршилиги.
- Товуш босимининг максимал даражаси.
- Ўз шовқинининг даражаси.
- Динамик диапозони.

Хозирги замонда микрофонлар соз ва овоз учун ҳам турларга бўлинади.

Кўпгина овоз режиссёрлари микрофонларнинг ҳам овоз, ҳам созга мос моделларини танлашга ҳаракат қилишади. Мисол бўлиб бунга Шуре СМ 58 (динамикли), АКГ С 3000, АКГ С 414, Неуманн У87 ва бошқалар.

Микшер пульти

Микшер пульти бу икки ва ундан ортиқ товуш сигналини қабул қилиб олиб, бу сигналларни тембр қайта ишлаш (частотний обработка), умумий асарни динамик диапазонини бошқариш (баланс), ҳар бир каналдаги товушга алоҳида безак бериб (обработка, окраска) умумий асарни бир хил безакда ишлашга ёрдам берадиган мослама.

Деярли барча микшерлар “канал/шина” фундаментал структурасига таянади, аммо ушбу структура турли компонентларининг комбинацияланиши ҳар хил йўллар билан амалга оширилади. Каналлар қанчалик кўп бўлса, сигнал манбаларини улаш учун киришлар ҳам шунчалик кўп бўлади. Оддий икки шинали микшердан фарқли ўлароқ, қўшимча шиналар сигналларни 4, 8 ва ундан кўпроқ йўлакчалар конфигурациясида гуруҳлаш имконини беради. Қўшимча шиналар ҳажмдор товуш ва кўп йўлакчали ёзувлар сигналини шакллантириш учун зарур².



(Товушлар орасидаги баланс динамик диапазон дейилади.)

Микшер пултида жойлашган асосий қисмлар:

1. Икки ва ундан ортиқ товуш қабул қилиш каналлар. Бунда: Микрофон ва линия киришлари мавжуд бўлади.

2. Кириш сигналларини кучайтириш ва кучсизлантириш мосламаси. (чувствительност - ГАИН).

² Peter Kirn. Real World Digital Audio. Peachpit Press. 2005 (147-bet)

3. Параметрик эквалайзер.
4. АУХ (Аух) каналлари.
5. Понарама (ПАН).
6. (Асосийси) Микшер.
7. Асосий чиқиш (МАСТЕР СТЕРЕО).



Пресонус Студио Ливе 24.4.2 - рақамли 24 каналли микшер пулт аналог предусилителлари, параметрик эквалайзер, компрессор ва 2 эффестли процессоралари мавжуд.

Микшерлар ҳам ўхшаш, ҳам рақамли товушга, товуш ёзиш ва садолантиришга ишлов берувчи энг ранг-баранг аппарат воситаларидан фойдаланиш ва овоз ёзиш параметрларини компьютер иштирокисиз бошқариш

имконини берган ҳолда, кириш/чиқишлар коммутациясини кенг имкониятлар билан таъминлайди³.

Микрофон кириш – микрофон кириши канон орқали амалга оширилади, бунда микрофондан келаётган электромагнит тўлқинлари электр токига айланиб чувствителност (гаин, трим, левел) орқали 1 мм В дан 1.5 В гача кўтарилади, 1 мм В динамик микрофондан келаётган ток кучидир. Конденсатор микрофондан 150-200 мм В ток келади. Лампали микрофондан ундан ҳам кўпроқ ПАД микшер пультининг кириш қисмида бўлиб сигнални 20 дбга кесиб туради.

Линия кириши – линия кириши 1.5 В дан 6 В гача ток қабул қилишга мўлжалланган, бу киришга турли хил электр чолғу асбоблари (электр гитара электр скрипка, синтезаторлар) ва ташқи плеерлар (аудиокасетали магнитофон, минидиск, СД плеер, МПЗ плеер ва хоказо) уланади. Микшер пультининг кириш (ИН) канали ташқи товуш манбаларидан келаётган сигнални қабул қилиш учун ишлатилади. Бунда микрофондан келаётган сигнал учун мик (мис) канали бошқа сигналлар учун линия (лине) ишлатилади. Мис канали асосан микрофонлар орқали, яъни динамик ва бошқа хилдаги микрофонлардан сигнал қабул қилиб олиш учун мулжалланган.

Инсерт кириш канали – инсерт канали микшер каналига кирган сигнални гаиндан ўтгандан кейин узиб ташқи мосламага жўнатади ва ташқи мосламадан сигнални қабул қилиб олади. Инсерт канали стерео жек орқали қўлланилади, сигнал жекнинг 1 чи канали орқали чиқиб 2 чи тарафда моно жек орқали процессорга киради. Процессорнинг чиқишидан 2 чи моно жек орқали стерео жекнинг 2 чи канали орқали микшер пультига қайтиб келади, инсерт каналига уланганда линиядаги сигнал узилади.

Эквализация эквалайзер – эквалайзер орқали сигналнинг амплитуда частотавий тавсифиси (ачх) ўзгартирилади. Микшер пульти каналида асосан оддий ярим параметрик ва тўлапараметрик эквалайзерлар ўрнатилган бўлади,

³ Peter Kirn.Real World Digital Audio. Peachpit Press.2005 (147-bet)

оддий эквалайзер фақатгина юқори ҲИ ва пастки LOW частоталарни кўтариб тушириш учун мўлжалланган, баъзи пультларда оддий эквалайзер 3 қисмли бўлиши ҳам мумкин, бунда ўрта (МИД) частоталар ҳам кўшилади. Ярим параметрик эквалайзерларда ўрта частоталар учун маълум бир частотани танлаб уни кўтариш ёки тушириш имконияти пайдо бўлади, бунда частота танлаш учун кҲз ёки ФРЕҚ бурагичидан фойдаланамиз, ана шу бурагичнинг ёнидаги ЛЕВЕЛ ГАИН бурагичи орқали мана шу частотани кўтарамиз ёки туширамиз. Аналог пультларида частоталарни -15 дбдан +15 дбгача ўзгартиришимиз мумкин. Виртуал ёки рақамли эквалайзерларда бунинг имконияти кўпаяди. Ярим параметрик эквалайзерда частотани қанча кўтариб ёки туширган сари ана шу частотанинг ён атрофдаги частоталар ҳам кўтариб туширилади, мана шу камчиликни олдини олиш учун тўлапараметрик эквалайзер ўйлаб чиқарилган. Бунда ФРЕҚ, ГАИН бурагичлари ёнига ҚУАЭСИ яъни дарвоза бурагичи кўшилади, бу бурагич танланган мана шу частотага таъсир қилиш диапазонини қисқартиради ва кенгайтиради. Тўлапараметрик эквалайзер юқори частоталар учун частота танлаш унга таъсир қилиш бурагичи ўрта частоталар учун частота танлаш унга таъсир қилиш ва таъсир диапазонини ўзгартирувчи бурагичлари кейин паст частоталар учун частота танлаш ва унга таъсир қилиш бурагичлари билан жиҳозланган.

“Параметрик” категорияга ҳар қандай эквалайзер мансуб бўладиги, унда узатиш коэффиценти (гаин), марказий частота/ узилиш частотаси (сэнтер/сутофф фрекуэнсй) ва амплитуда-частотали тавсиф кенглиги (бандвитх) ёки сифатлилик (К) каби параметрларни бошқариш имконияти назарда тутилади. Кўп полосали эквалайзер – мажмуавий асбобки, унинг ёрдамида сиз сигнал спектрининг турли участкаларини бир вақтда таҳрир қилиш имконига эга бўласиз. Параметрик эквалайзерлар одатда полосаларининг сони билан тавсифланади; 4 ёки 6 полосали эквалайзернинг муסיқий аудио ёзувларини қайта ишлаш учун бу қоидага кўра керагидан зиёддир⁴.

⁴ Peter Kirn.Real World Digital Audio. Peachpit Press.2005 (286-bet)

График эквалайзерда товушни тембрни ўзгартирганимизда маълум график чизик пайдо бўлади. Шунинг учун бу эквалайзер график дейилади. График эквалайзерларда частотага таъсир қилиш, график эквалайзернинг нечта қисмданлигига боғлиқ. Қанча кўп бўлса шунча аниқ ишлайди. График эквалайзернинг ишлаш диапазони 20 Ҳз дан 20 кҲз гача. Параметрик эквалайзерлар кўпроқ алоҳида каналлар учун ишлатилади. График эквалайзерлар кўпроқ мастерда ишлатилади.

График эквалайзер товуш диапазонини қамраб олувчи частоталарнинг ишчи полосалари мавжуд бўлган полосали филтлар тўпламини намоён этади. Ушбу филтларни узатиш коэффицентини ўзгартирган ҳолда, талаб қилинган амплитуда-частотали тавсифни шакллантириш мумкин⁵.

Панорама – панорама товушни эшитиш майдонида жойлаштириш учун хизмат қиладиган бурагичдир. Эшитиш майдони чап калонканинг энг охири чети ва ўнг калонканинг чеккаси оралиғида ётади. Саҳнада ижрочиларнинг табиий жойлашишини эшитиш учун панорама бурагич орқали у ёки бу товушни ўнга ёки чапга жойлаштирамиз, бир нечта мана шундай товушларни ўнг ва чап тарафларда жойлаштириш орқали умумий стерео товушга эга бўламиз. Битта товуш яъни моно товушнинг 2 та колонкадан чиқиши бу стерео эмас, 1 та товушни стерео қилиш учун 2 та ёки ундан кўп микрофондан фойдаланишимиз керак ёки ёзиб олинган моно товушни стерео қилиш учун стерео обработкадан (ревербератор, эхо, хорус, фленжер ва х к) дан фойдаланамиз.

Стереофоник акустик диапазондаги товуш манбаининг субъектив қабул қилинган установаки панорамалаш дейилади. Даставвал киносаноатда пайдо бўлган бу атама “панорама” сўзидан олинган бўлиб, стереофоник микшерлаш моҳиятини аниқ тавсифлаб беради. Ҳозир шундан иборатки, стереофоник фонограммани садолантиришда бизнинг идрокимизда майдонни ҳар икки

⁵ Peter Kirm.Real World Digital Audio. Peachpit Press.2005 (290-bet)

томондан тўлдирувчи товушларнинг кенг панорамаси шаклланади, бу аснода барча товушлар майдонда аниқ позицияланган⁶.

Асосий фейдр – асосий фейдр асосан суруливчи мослама бўлади, баъзи микшер пультларда бурагич кўринишида ҳам бўлади, асосий фейдр товушни мастер каналга чиқариб бериш учун хизмат қилади.

АУХ каналлар – АУХ канали микшер пультининг қўшимча канали бўлиб каналдаги товушни бошқа бир процессорга жўнатиш учун хизмат қилади. Бунда асосий каналдаги товушга АУХ орқали кетган сигнал процессордан ўтгандан сўнг қўшилиб мастер каналга келади. Аналог микшер пультларда асосан моно АУХ каналлари қўлланилади, баъзи микшер пультларида ёки виртуал микшер пультларида стерео АУХ канали ҳам қўлланиши мумкин. АУХ каналлари асосан товушга бадий безак бериш учун ёки уни бошқа мосламага узатиш учун ишлатилади. Микшер пультида сигнални АУХга жўнатиш учун АУХ деб номланган бурагичдан фойдаланилади. Сигнал бу бурагич орқали АУХ чиқишга боради, АУХ чиқишдаги АУХ жўнатиш орқали (АУХ СЕНД) ташқи мосламага чиқиб кетади, баъзи микшер пультларида АУХ қайтиши блоки (АУХ РЕТУРН) орқали мастер каналга, бундай блок йўқ бўлганда эса микшер пультининг исталган линия кириши орқали мастерга чиқарилади. АУХ каналлари ПРЕ ва ПОСТ тугмалари билан жиҳозланган бўлади. Бу тугмалар сигнални фейдрдан олдинга ўтказиш учун хизмат қилади.

Микшер пультининг чиқишлари – микшер пультларда асосан 1 та мастер чиқиш, монитор чиқиш, АУХ чиқиш ва наушниклар учун чиқиш мавжуд. Асосий чиқиш мастер чиқиши ҳисобланади қолганлари ёрдамчи чиқишлар ҳисобланади. Мастер чиқишда чиқаётган сигнал монитор чиқишга ҳам, наушник чиқишга ҳам бир хилда жўнатилади. АУХ чиқишлари эса алоҳида чиқишлар ҳисобланади, мастер чиқишда ток кучи ҳалқаро стандартларга кўра 2 хил бўлади: 1чиси 1.55 В 2 чиси 0.750 В. Профессионал овоз ёзиш студияларда 0 даражада чиқаётган сигнал 1.55 В бўлади, қолган жойларда 0.750 В ишлатилади.

⁶ Peter Kirm.Real World Digital Audio. Peachpit Press.2005 (525-bet)

АФЛ ва ПФЛ тугмалари - АФЛ - (Афтер фадер листенинг) фейдрдан кейин эшитиш, ПФЛ - (Пре фадер листенинг) фейдрдан олдинги эшитиш, бу тугмалар хонамиздаги кировчи сигнални микшердан олдинги ва микшердан кейинги холатини кўрсатиб бериш учун хизмат қилади.

Сигнал сезгирлигини оширувчи қисм (гаин, трим)

Ушбу қисмда минимумдан максимумгача ўзгарадиган патенсиометр жойлашган. Бу қисмнинг вазифаси келаётган сигнал кучини қувватини кучайтириш ёки кучсизлантириш учун мулжалланган. Профессионал микшер пультаарида микрофон ва линия киришлари учун алохида патенсеометрлар жойлаштирилган. Ўқув студиясидаги микшер пулти вазифасини бажарувчи мосламаларда хар иккала сигнал учун битта патенсиометр ўрнатилган. Ушбу қисмда бу патенсеометрдан ташқари баъзи микшерларда товуш сигналини -10, -20дб гача пасайтириб берадиган тугмалар хам жойлаштирилган бўлиши мумкин. Ушбу тугма баъзи микшерларда «ПАД» деб хам номланади. Микшер пультаарида асосан 2 хил кириш бўлади. Бундан ташқари ИНСЕРТ канали хамда АУХ кириш каналлари бўлади.

ИНСЕРТ канали чувствителност билан микшер орасидаги сигналга уланиш учун мулжалланган. Ушбу кириш канали орқали товушга, хеч қайси каналга халақит бермаган холда, алохида ишлов бериш мумкин (динамик ишлов, хар хил безаклар). Профессионал микшер пультаарида ушбу канал учун фейдердан олдинга ёки кейинга ўтказиш учун ПРЕ ва ПОСТ тугмалари хам жойлашган. ИНСЕРТ каналининг алохида ажралиб туриш жихати бу каналнинг кириши ва чиқиши хам бита йўл орқали амалга оширилади.

АУХ каналлари

Микшер пултидаги АУХ каналлари микшер ичида микшер вазифасини ўтайди, яъни АУХ каналлари орқали асосий сигнални олиб қўшимча каналларга жўнатиш имкониятига эга бўламиз. АУХ лар асосан бир каналли (моно) бўлади. Баъзи бир замонавий микшер пультаарида стерео АУХ лар учрайди. Масалан: ССЛ пультаарида.

АУХ га сигнал жўнатиш ва ундан қайтариб олиш қуйидагича амалга оширилади: АУХ чиқишдан сигнал мини жек ёки ХЛР (канон) орқали ташқи мосламанинг киришига уланади. Ташқи мосламанинг чиқиши эса, агар микшер пультига бўлса, ФХ РЕТУРН (ФХ қайтиши) каналига уланади. Агар бундай канал булмаса танланган иккита микшер каналига узатилади. Бунда яна сигнал қўшимча иккинчи йўлга узатилиб у орқали бадий қайта ишлаш мосламасига (ревербератор, делай ёки мультиэффект процесорлар) узатилиб шу мосламанинг сигнали билан мастер каналига келиб тушади. Натижада овоз режиссёри моно сигналдан безатилган сигнал қабул қилади. АУХ каналида сигнал борлигини билиш учун микшер пультидаги АУХ каналининг устидаги ПФЛ тугмаси босилади. Сунгра сигналнинг каналидаги АУХ ручкаси буралади. Бу орқали биз АУХ каналига сигнал жўнатган бўламиз. Юқорида айтилган тартибда уни қайтариб микшер пультига олиб келамиз.

АУХ каналининг қўлланиши

Овоз ёзиш жараёнида АУХ канали орқали ижрочига бадий қайта ишланган АЧХ си ўзгартирилган сигнални ижрочига этказиб бериш имкониятини яратади. Худди шу пайтнинг ўзида ёзиб олинаётган сигнал ҳеч қандай ўзгаришсиз аудио ёзиб олиш мосламасига ёзиб олинади. Жонли концертда АУХ канали микшер ичида микшер вазифасини тўлалигича бажаради. Овоз режиссёри АУХ каналлари ёрдамида ҳар бир ижрочининг талаб ва хоҳишига мослаб мастер каналидаги сигнални ёки бошқа каналлардаги сигнални ижрочининг мониторида этказиб бериш имкониятига эга бўлади. Бунда товуш каналидаги ПРЕ ва ПОСТ тугмаларидан билиб ва унумли фойдаланиш лозим.

Жонли эфир пайтида аухлардан фойдаланиш

Жонли эфир пайтида юқоридаги шароитларга қўшилган ҳолда АУХ каналлари орқали бошқа қўшимча ёзиш ёки қўшимча эфирга узатиш мосламаларига жўнатишимиз мумкин. Бу ерда ҳам сигнални қайта ишланмаган ҳолда узатишимиз мумкин.

Актив ва пассив микшер пульталари

Актив микшер пультлари деб – ўзида овоз кучайтиргич блоки бор бўлган микшер пультларига айтилади. Улар асосан ўрта қувватли бўлади, яъни номинал қуввати 500 Вт дан 2 КВт гача бўлади. Бу микшер пультларининг 1 чи кириш қисми, 2 чи эквализация қисми, 3 чи АУХ, 4 чи инсерт, 5 чи панорама, 6 чи фейдр ва 7 чи мастер чиқишлари пассив микшер пультлари сингари бўлади. Бундай микшер пультлар бир ёки икки эффеқтли, Фх блоки ва мастер чиқишида график ЭҚ билан ҳам жиҳозланган бўлади, ишлаб чиқарувчиларнинг русумига қараб уларнинг техник тавсифиси қуйдагича бўлади:

- ❖ Кириш каналлари 6 тадан 16 тагача
- ❖ Габаритлари 20x50 ёки 30x60
- ❖ Оғирлиги 5-8 кг
- ❖ АЧХ си 20 Ҳз дан – 20 000 Ҳз гача
- ❖ Мастер чиқиш 1 та ёки 2 та монитор чиқиши, АУХ чиқишлари ва ташқи плеерларни улаш учун магнитофон кириш чиқиши билан жиҳозланган бўлади.



ЯМАҲА ЭМХ512СС микшер пультлари

Бундай типдаги микшер пультлари кичик ҳажмдаги (50-100 м²) концерт заллари, тўйхоналар ва кичик аудиториялар учун мўлжалланган.



ДЙНАСОРД СМС 1000, СМС 1600 и СМС 2200 микшер пульти

Имкониятлари: Актив микшер пультилари пасив микшер пультилари каби барча имкониятларга эга. Оддий микшер пультиларидаи фарқи шундаки, бу микшер пультилари қўшимча имкониятларга эгадир.

1. Микшер пульти мастер чиқишида овоз кучайтиргич билан жихозланган. Бу овоз кучайтиргичлар 300 Вт дан бошлаб 2 кВт гача овоз кучайтириб бериш имкониятига эгадир.

2. Актив микшер пультилари мастер чиқишида график эквалайзер билан жихозланган бўлади. Бу эквалайзер 1та паласадан бошлаб 32та поласагача бўлиши мумкин. АЧХ си 20 Ҳз дан 20 к Ҳз гача ётади.

3. Актив микшер пультиларининг АУХ ларида товушга бадий безак берувчи мослама ўрнатилган (обработка). Баъзиларида 1та, 2та ана шундай мосламалар бўлиши мумкин.

